

ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”
Сентябр ойининг 3-ҳафтаси

Гуруҳ		Қатта гуруҳ _____ (номланиши)					
Мавзу		МЕН ВА МЕНИНГ ОИЛАМ					
Оралик		Сентябрь 3 ҳафта					
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Қариндошлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. Ўйин орқали йирик вამ айда моторикани ривожлантириш. Қуриш ва эслаб қолиш қоибилиятини ривожлантириш					
	Ижтимоий-хиссий ривожлантириш	Оиласига таалуқли нарсаларни асраш малакасини шакллантириш, қариндошларни ажрата олиш. Инсонларни ҳиссиётларини сезишни шакллантириш					
	Нутқ ва саводга тайёргарлик	Оила ҳақида суҳбат, оила аъзолари билан танишиш ва уларнинг касбларини билиши. Оила мавзусида луғат бойлигини ошириш					
	Билиш жараёни	Оила ҳақида тушунчасини ошириш, оилага ғамхўрлик ҳиссини ривожлантириш, оиласини ҳимоя қилиш ҳиссини шакллантириш					
	Ижодий ривожлантириш	Ҳасвирий фаолият ва мусиқа орқали яхшиликка ва нафосатга ундаш					
Ривожланиш марказлари		Ўқув тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Фронтал машғулот							
Марказлардаги эркин фаолият	Қуриш-яаш ва математика маркази	Ўй қуриш		Қучукча учун уйча ясаймиз		Динамиз учун геометрик шакллардан дунчок терамиз	Қуриш-яаш жамланмаси, геометрик шакллар
	Сюжетли роли уйинлар ва драммалаш маркази	“Бувимизникида меҳмонда”		“Қизил қалпоқчани” эртагини сахналаштириш			Мавзу асосида кийимлар, нақоблар ва жиҳозлар
	Нутқ ва савод	“Қим нима билан банд” мавзусидаги расм асосида ҳикоя қузиш	“Менинг оилам” эртаги сурати устида ҳикоя қузиш		“Билимдон компьютер” вазибалари орқали сўзлашиш нутқини бойитиш		Мавзули расмлар, АҚТ материаллари
	Фан ва табиат маркази	“Оиламнинг антропометрик ўлчовлари”		“Қуёнчани тарваришлаш”			Оила расмлари, ҳайвонлар муляжи, тирик қониворлар
	Санъат маркази	“Менинг оилам” расм ва аппликация		“Менинг оилам” мавзусида расм ва аппликация			А-4 форматдаги қоғоз, оила расмлари, рангли қоғоз
	Мусиқа ва ритмика маркази	Буви ва оналар ҳақида ашула ёд олиш		Дада ва додалар ҳақида ашула ёд олиш		Оила аъзоларига тақлид қилиш	ДВД, диск, қарней

Сентябр ойининг 3-ҳафтаси

Қуриш-яшаш ва математика маркази

Мавзу: Уй қуриш

Мақсад: Уй қура олади, қуриш-яшаш жамламасидан катта ва кичик ҳажмларини ажрата олади, тўғри тартибда устма-уст тартибда тахлайди. Уй қисмларини билади ва фарқлайди.

Керакли жихозлар: Уй суратлари, кубиклар, геометрик шакллар, қуриш-яшаш жамланмаси, турли конструкторлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй ва қурилиш ҳақидаги расмларни томоша қилиш
2. Уй қуришни режалаштириш
3. Керакли жихоз танлайди
4. Фаолиятни бошлаш
5. Тайёр бўлган ишни таҳлил қилиш ва номлаш

Қўшимча: Муассаса ҳудудида жойлашган уйларни кузатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қуриш-яшаш малакасининг шаклланганлиги, жихозларни тўғри танлаши, бажарилиши лозим бўлган ишни тўғри режалаштириши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш

Мавзу: “Бувимизникида меҳмонда”

Мақсад: Катталарни ҳурмат қилади, дастурхон атрофида ўзини тута олади, тўғри овқатланишни билади, меҳмонда ўзини тута билади.

Керакли жихозлар: Кийимлар, стол, стул, пиёла, чойнак, нон.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу билан танишиш.
2. Мавзуга оид жихозлар билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Қаҳрамонлар қиёфасига кириш.
5. Бувиникига бориш.
6. Буви билан саломлашиш, дастурхон безаш, тамадди қилиш.
7. Буви билан суҳбат ва эртақ, ҳикояларни эшитиш.
8. Буви билан хайрлашиш.

Қўшимча: Бувилар ҳақида шеър ёд олдириш, гуруҳга тарбияланувчиларнинг бувиларини тақлиф қилиш ва суҳбат уюштириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Буви билан қандай суҳбат қуриши, ролларнинг тақсимланиши, бувиларнинг ҳикоя этиб беришидаги сўз бойлигига аҳамият бериш.

Тил ва нутқ

Мавзу: “Ким нима билан банд” мавзусидаги расм асосида ҳикоя тузиш.

Мақсад: Оила аъзоларининг нима касб эгаси эканлигини ҳамда уй юмушларида нималар билан шуғулланишини билади, ўз фикрини баён эта олади.

Керакли жиҳозлар: Оила муҳити тасвирланган сураатлар, уй юмушлари билан шуғулланаётган сураатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу билан танишиш.
2. Расмлар асосида ўз-ўзига савол бериш.
3. Тасвирга қараб суҳбат қуриш.
4. Расмларни онгида таҳлил қилиш.
5. Оила тўғрисида кичик ҳикоя тузиш.

Қўшимча: Касблар тўғрисидаги топишмоқларни ёд олдириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Оилада ким нима билан машғуллигини тўлиқ билиши, нутқининг равлонлиги ва сўз бойлигига

Илм фан ва табиат

Мавзу: “Оиламнинг антропометрик ўлчовлари”

Мақсад: Математик улчов бирликларини билади, 100 дан ошиқ санашни билади, ўлчов олиш малакасига эга, мустақил равишда атрофидагиларнинг антропометрик ўлчовларни белгилайди

Керакли жиҳозлар: метр, тарози, катта ҳажмда оила аъзолари яхлит тасвирланган расмлар, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавжуд жиҳозларни ўрганиш.
2. Метр ва тарозини ишлатиш ва малкасини ошириш.
3. Расмдаги оила аъзоларини бўйини метр ёрдамидла ўлчаш.
4. Атрофидаги дўстларини ўлчовини олиш
5. Ўйинчоқларнинг оғирлигини тарозида ўлчаш
6. Атрофидаги дўстларининг оғирлигини ўлчаш
7. Фаолиятдан олган ҳиссиётлари билан дўстлашиш

Қўшимча: Тарбиячи томонидан болаларнинг оила аъзоларинг антропометрик улчовларини олишни таклиф қилиш

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг математик билимларининг шаклланганлиги, ўлчов бирликларини билиши (метр, килограмм)

Санъат маркази

Мавзу: “Менинг оилам” расм ва аппликация

Мақсад: Оила аъзолари ҳақида тўлиқ тушунчага эга, ижодий ёндоша олади, рангларни тўғри танлай олади, майда қўл моторикаси ривожланади, оила аъзоларининг расмларини чиза олади, қоғоздан керакли шаклларни қирқа олади, инсонни кўринишини тўғри идрок этади

Керакли жихозлар: Когоз, оила расмлари, барча укув куроллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратлар томоша қилиш.
2. Чизиш, қирқиб-елимлашни режалаштириш
3. Ижодий ишни бошлаш
4. Тайёр ишни қоғозга тартиб билан жойлаштириш ва мазмунли тасвирларни яратиш
5. Тайёр ишларни таҳлил қилиш

Қўшимча: Кимга нима керак уйини.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ҳар бир деталларнинг яъни тана аъзоларини ўз жойига бириктирилганлиги, ранглардаги уйғунликка, ўғил-қизни ажрата олишига

Тил ва нутқ

Мавзу: “Менинг оилам” эртаги сурати устида ҳикоя тузиш

Мақсад: Оғзаки нутқ ривожланади, фаол суҳбатга киришади, оила аъзолари ҳақида гапириб бера олади, ҳикоя қилиб бериш жараёнида ўз нутқига эътиборли бўлади.

Керакли жихозлар: Оилавий альбом суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу билан таништириш.
2. Расмларни томоша қилиш
3. Расмларга қараб қисқа ҳикоя тузиш
4. Воқеа-ҳодисани таҳлил қилиш
5. Фикрларини жамлаш
6. Мустақил ҳикоя тузиш ва дўсти билан ўртоқлашиш

Қўшимча: “Оила” уйини, оила ҳақида мақолларни ёд олдириш

Алоҳида эътибор қаратилади: Мустақил ҳикоя тузиш малакасини шаклландирилганлиги, расмдаги барча элементларни эътибордан четга қолдирмаганлиги

Қуриш-яаш ва математика маркази

Мавзу: Кучукча учун уйча ясаймиз

Мақсад: Болаларда жониворларга булган меҳрни ошади, уларга уйча қуришни урганади, қуриш-яаш жамламасининг катта ва кичик ҳажмларини ажарата олади, тўғри тартибда жойлаштиради.

Керакли жихозлар: қуриш-яаш жамланмаси, турли конструкторлар ва намуна .

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга мос расмни ўрганиш
2. Уйча қуришни режалаштириш

3. Керакли жиҳозни танлаш
4. Фаолиятни бошлаш
5. Тайёр бўлган ишни таҳлил қилиш ва номлаш.

Қўшимча: Кучукча тўғрисида топишмоқлар топиш. Ижодий иш юзасидан болаларни рағбатлантириш

Алоҳида эътибор қаратилади: Майда кул маторикасининг ривожланганлигига, буклаш жараёнида мўлжал олиш малакасига, математик ҳисоб олишига

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш

Мавзу: “Қизил қалпоқчани” эртагини саҳналаштириш

Мақсад: “Қизил қалпоқча эртаги”ни билади, эртак асосида барча саволларга жавоб беради, образга кира олади, саҳнада нутқ маданиятига эга.

Керакли жиҳозлар: “Қизил қалпоқча” эртагининг расмлари, ўрмон акс этган атрибутлар, бўри, бувиси, қизил қалпоқча ниқоби.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қизил қалпоқча” эртагини эслаш
2. Мавжуд жиҳозларни кўздан кечириш ва режалаштириш
3. Ролларини тақсимлаш
4. Образга кириш
5. Эртакни саҳналаштириш
6. Ролни қай даражада ижро этганлигини ўзаро муҳокама қилиш

Қўшимча: Эртакни кичик гуруҳ тарбияланувчиларига саҳналаштириб беришни таклиф қилиш

Алоҳида эътибор қаратилади: Инпровизация қилиш қобилиятига ролга ҳеч қандай тўсиқсиз киришига, нутқ равлонлигига

Илм фан ва табиат

Мавзу: “Қуёнчани парваришлаш”

Мақсад: Қуёнчани нима билан озиқлантиришни билади, озиқлантиришда эҳтиёткорлик чоралари кўради, уйчасини тартибга келтира олади, қўрқув ҳиссини енгади, қуён билан дўстлашади, у билан ўзаро мулоқотга киради.

Керакли жиҳозлар: қафасда қуёнча, сабзи ва ўтлар, меҳнат қуроллари, қуён ҳақида умумий маълумот кўрсатилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кузатиш
2. Қуёнчанинг фаолияти тасвирланган расмларни таҳлил қилиш
3. Қуёнча исътемом қиладиган сабзавотларни олиш
4. Қуёнчани овқатлантириш
5. Қафасни тартибга келтириш
6. Қуёнчани эркалаш
7. Ҳис ҳаяжонлари билан ўртоқлашиш

Қўшимча: Қуш, балиқ, кучкучани парваришлас.

Алоҳида эътибор қаратилади: жониворларга қўрқув ҳиссидан халос бўлганлигига, ҳаёт хавфсизлигига, жониворларнинг ҳиссиётини ҳис қилишига, ғархўрлигига

Санъат маркази

Мавзу: “Менинг оилам” мавзусида расм ва аппликация

Мақсад: Оиласидаги ҳодисаларни гапира бера олади, оиладаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилади, яхши билан ёмон, тўғри ва нотўғрини ажрата олади, меҳнатини қадрлайди, “Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда” иборасига амал қилади.

Керакли жиҳозлар: Оила сурати, ўқув қуроллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. «Менинг оилам» суратини куриб чиқиш.
2. Тасвирий фаолият турини танлаш
3. Керакли жиҳозлар билан қуролланиш
4. Ижодий ишни бошлаш
5. Тайёр ишни дўстлари билан таҳлил қилиш
6. Дўстининг маслаҳати асосида қўшимча киритиш
7. «Менинг оилам» суратини намоиш этиш

Қўшимча: «Менинг оилам» мавзусида ибратли ҳикоялар, мақол ва шеърлар.

Алоҳитда эътибор қаратилади: Олдига аниқ мақсад қўйишига, оиласини тасаввур қилиш қобилиятига, олиб борилган ишдаги нафисликка

Тил ва нутқ

Мавзу: “Билимдон компьютер” вазифалари орқали сўзлашиш нутқини бойитиш.

Мақсад: Инглиз тилини ўрганади, нутқида англиз тилида айрим янги сўзлар пайдо бўлади, вазифани тинглаш орқали бажаради, эшитиш, диққат, хотира мустаҳкамланади, ақлий фикрлаш доираси кенгаяди

Керакли жиҳозлар: “Билимдон компьютер”и ва карточкалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Компьютердан фойдаланишни ўрганиш
2. Керакли мавзудаги карточкани танлаб олиш
3. Карточкани компьютерга жойлаш
4. Вазифаларни бажариш
5. Хатолар устида ишлаш

Қўшимча: Фойдаланилмаган карточкаларни ўйнашни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Фикрлаш доирасининг кенглигига, олган билимларига, ўзлаштиришига, хатолар устида ишлашига, ўз-ўзини баҳолашига.

Кўриш-яш ва математика маркази

Мавзу: Онамиз учун геометрик шакллардан мунчок терамиз

Мақсад: Майда кул моторикаси ривожланади, деталларни бир-бирига мослайди, ижодкорлиги ошади, тасаввури кенгаяди, қўл меҳнати билан шуғуллана олади, касбга қизиқиш уйғонади.

Керакли жихозлар: Турли хил шакл, ҳажмдаги ва турли хил рангдаги геометрик шакллар, намуна

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани ўрганиш
2. Бажариладиган ишни режалаштириш
3. Керакли шаклларни танлаб олиш
4. Ижодий иш
5. Таҳлил қилиш
6. Камчиликларни тўлдириш
7. Тайёр ишни дўстлар эътиборига ҳавола қилиш

Қўшимча: Тарбиячи томонидан тайёр иш юзасидан саволлар бериш (қандай шаклдан фойдаланилганлиги, нечта шакл ишлатилганлиги)

Алоҳида эътибор қаратилади: Шаклларни фарқлай олиши, номини тўғри аташи, ижодкорлигига.